

---

## 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Аёл борки, олам мунаввар” номли байрам тадбири ташкил этилди.

Данғара туманида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Аёл борки, олам мунаввар” номли байрам тадбири ташкил этилди.

Тадбирда давлат ва жамоат ишларида, ўқишда ва ижодда туманимиз ҳаётининг барча соҳаларида фаолият юритаётган фаол аёл қизлар, азиз ва муҳтарама онахонлар иштирок этишди.

Байрам тадбирини туман ҳокими очди ва муҳтарама онахонларни, азиз аёл-қизларни 8 март Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этди.

Тадбир давомида туманимизнинг ижтимоий-маънавий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги самарали фаолияти учун бир гуруҳ хотин-қизларга туман ҳокимлиги томонидан тайёрланган байрам совғалари туман ҳокими ҳамда сектор раҳбарлари томонидан тухфа этилди.

Байрам тадбирида туман маданият бўлими ходимлари томонидан тайёрланган концерт дастурлари барчага кўтаринки кайфият бахш этиб, рақсга чорлади.

---

2024-03-04 17:28:38